



Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Збигнев Рауни қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон жорий йил 2-3 июнь кунлари расмий ташиф билан мамлакатимизда бўлди.



Вазирлар Маҳкамасининг «IT-Park University» рақамли университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов Россия Федерациясининг Иваново вилояти губернатори Станислав Воскресенский бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурак Сидиқов мамлакатимизга амалий ташиф билан келган Мўғулистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Батсумбер Мунжжин билан учрашув ўтказди.



Пойтахтимиздаги Халқаро шахмат академиясида шахмат бўйича анъанавий «Тошкент ёзи» рейтинг турнири старт олди. Унда 400 дан ортиқ шахматчи икки гуруҳга бўлинган ҳолда беллашмоқда.



Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида «Фан ва техника тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни» мавзусидаги хотин-қизлар форуми ташкил этилди.



Наманган вилояти Давлатобод туманидаги «Афсоналар водийси» тематик паркида «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик» шiori остида «Ёшлар фестивали» доирасида очик осмон остида гала-концерт бўлиб ўтди.



Бухоро шахрида Туркий давлатлар ташкилотининг IV Ёш лидерлар форуми ўтказилмоқда.

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
4 июнь
шанба
№ 71
(4667)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамкорлигида «Қалдирғоч» биринчи республика болалар мусиқа ижодкорлари танлови ўтказилди.



Танлов

Парвозинг қутлуғ бўлсин, «Қалдирғоч»!

Мазкур тадбирда юртимизнинг турли ҳудудларидаги мусиқа ва санъат мактаблари, коллеж ҳамда лицейларда билим олаётган 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган 25 нафар ўқувчи ўзлари ёзган 40 га яқин асар билан қатнашди.

«Қалдирғоч» шу пайтгача юртимизда мусиқа ва санъат йўналишида ўтказилган бошқа танловлардан айнан композиторликка қизиқувчи ёшларни қашф этишга, улар келгусида янада самаралироқ ижод қилишларига имконият яратишга йўналтирилгани билан ажралиб туради, – дейди Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, профессор Рустам Абдуллаев. – Дунёга машҳур композиторларнинг барчаси болалигиданки истеъдодини намойиш этган. Масалан, Иоганн Себастьян Бах 5-6, Моцарт 3 яшарлигидан, Людвиг ван Бетховен ҳам боғчага қатнаган пайтлари ўз асарлари билан халққа танилган. Сабаби, композиторликка иқтидор одамнинг қонида бўлади. Кўпинча мусиқа асбобла-

рини чалиш жараёнида болалар куй басталайди ва шу тариқа атрофидагиларга бу соҳага лаёқати борлигини намойиш этади. Бундай ёшларни қанчалик барвақт аниқлаб, тўғри йўналтирсак ва яхши ўқитсак, самараси шунчалик яхши бўлади. Ҳозир юртимизда Ўзбекистон давлат консерваторияси, Успенский ва Глиэр номидаги мусиқа мактабларидагина композиторликка ўқитилади. Бошқа мусиқа мактабларида бу йўналиш йўқ. Шунга кўра, биз мазкур танлов баҳонасида айнан композиторлик йўналишига қизиқиши бор ёшларни рағбатлантиришга ҳаракат қилдик.

Дарҳақиқат, композиторлик – куйни ноталарга солиб басталаш санъати бўлиб, одатда, бир мусиқани турли созаларда ижро этиш учун яратилиши мумкин. Масалан, танловда иштирок этган опа-сингил Нуршо ва Закия Мусаевалар танловда ўзлари фортепьяно ансамбли учун басталган «Ноктюрн» асарини ижро этиб, ҳакамлар ва кузатувчилар олқишига сазовор бўлишди.

Танловда Нуршо ва Закия кичик гуруҳда иккинчи ўринни эгаллашди. Улар келгусида шу йўналишда шуғулланишни давом эттириб, Закия композитор, Нуршо фортепьяно бўйича чолғучи мутахассис бўлмоқчи.

Миллий гвардияга қарашли ҳарбий мусиқа академик лицейи ўқувчиси Беҳзод Шарипов ҳам танлов совриндори бўлганлардан бири. У Европада хос баритон мисли дамли чолғу асбоби бўйича таҳсил олади. Устози Миркарим Мирзокировнинг маслаҳати билан шу асбобни ўрганишга аҳд қилган эди. Ҳозиргача мустақил равишда 3 та куй яратди. Танловда эса баритон ва фортепьяно учун ёзган «Лирик пьеса» асари ўрта гуруҳда биринчи ўринга муносиб деб топилди. У мусиқадан ташқари, инглиз ва араб тилларини ҳам пухта ўрганмоқда, стол тенниси ва футбол билан шуғулланмоқда.

– Танловга «Қалдирғоч» деб ном берилиши замирида ҳам кенг маъно мужассам, – дейди

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси, танлов ҳакамлар хайъати раиси Шухрат Деҳқонов. – Бу куш тинчлик ҳукмрон ўлка ва маконда ин қуради. Бизнинг мусиқага иштиёқманд ёшларимиз ҳам тинч юртимиз бағрида камол топиб, қобилиятларини намойиш этаётганини ҳисобга олсак, келгусида уларнинг истеъдодлари янада ривожланиб, дунё кезишга шайланади. Ниятимиз, ўзбек ёшлари ҳам дунё саҳналарини забт этишсин, миллатимизнинг иқтидорли фарзандлари борлигини исботлашсин. Биз уларни қўлдан келганча қўллаб-қувватлашга тайёرمиз. Шу ниятда ушбу танловни ҳар йили анъанавий тарзда ўтказишга келишиб олдик.

Тадбирда совриндорлар билан бир қаторда уларнинг устозларига ҳам махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

Ортиқча тўланган 4,5 МИЛЛИОН СЎМ

тиббий кўрикда нотўғри олинган маблағлар тиббиёт ходимларига қайтарилди

Маълумки, меҳнат шартномасига кўра, иш берувчи ходимларнинг вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтишини ташкил қилиши шарт. Ва бунда ходимлар чиқимдор бўлмасликлари лозим. Бу Меҳнат кодексининг 214-моддаси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида тузилган «Тармоқ келишуви»нинг 6.8 бандида кўрсатиб ўтилган.

Аммо шундай бўлса-да, айрим иш берувчиларнинг қонунларни яхши билмаслиги ёки маблағдан қочиши оқибатида ходимлар тиббий кўрик вақтида чиқимдор бўлиб қоляпти.

Яқинда шундай ҳолат Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмасида кузатилди. Яъни муассаса ходимлари тиббий кўриқдан ўтиш чоғида ўз ҳисобидан маблағ сарфлашган.

Бунда иш берувчи томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2012 йил 10 июлдаги 200-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари бажарилмаган.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспекцияси аралашувида сўнг Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмасида ишловчи 202 нафар тиббиёт ходимига тиббий кўрик вақтида сарфланган 4 миллион 516 минг сўм иш берувчи томонидан қайтарилди.

Равшанбек ФОЗИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика кенгашининг
Фарғона вилояти бўйича
меҳнат техник инспектори



Наманган вилояти

Ўқув

Косонсой туманидаги «Нодирабегим Мухаммадхон» дам олиш ва соғломлаштириш марказида Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Янги касаба уюшмаларида Аёллар кенгашининг ўрни» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА аёллар кенгашининг ўрни

Уч кун давом этган ушбу тадбирда барча ҳудудлардаги аёллар кенгашининг вакиллари иштирок этди.

Анжуманда қўшни Қозоғистон Республикасининг «Савдо-транспорт компанияси» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Айнура Абдурахмонова сўзга чиқиб, касаба уюшмаларида хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Аёлларни реабилитация қилиш

ва мослаштириш марказининг Наманган вилояти ҳудудий бўлими психологи Нигора Ҳайруллаеванинг йиғилганлар иштирокида ўтказган тренинг барчага яхши кайфият бағишлади.

Иштирокчилар айна кунларда вилоятда давом этаётган «Халқаро гуллар фестивали»ни томоша қилиш учун Заҳириддин Мухаммад Бобур боғига ҳам ташиф буюришди.

Орзугул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти ҳокимлигига!

ЁШ ШАХМАТЧИНИ КИМ ҚўЛЛАЙДИ?

Ўғлим Даврон Шарипов 18 ёшда. Ҳозиргача бир неча бор ўз тенгқурлари орасида шахмат бўйича мамлакат чемпиони бўлди. Халқаро майдонда ҳам зафарли юришларини давом эттириб, Фарбий Осиё чемпионига айланди.

Шахмат шундай ўйинки, спортчи қанчалик кўп мусобақаларда иштирок этса, унинг тажрибаси ва натижалари шунчалик ўсиб бораверади.



Давроннинг биргина 2022 йилда қатнашган мусобақаларини куйида санаб ўтаман:

- 4-6 январь, биринчи лига, вилоят биринчилигида 1-ўрин;
- 18 ёшгача ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати, 16-26 февраль. Тошкент. Стандарт йўналишида 1-ўрин. Рапид ва блиц йўналишларида 2-ўрин;
- Биринчи лига, Ўзбекистон чемпионати. 24 март – 2 апрель. Тошкент. 2-ўрин;
- Георгий Аъзамов халқаро хотира турнири, 3-12 май;
- «Соҳибқирон Амир Темур кубоги». 12-15 май. Даврон яна 15-24-июнда Малдивда ўтадиган Фарбий Осиё чемпионати, Руминияда бўладиган жаҳон чемпионати (сентябрь), Ўзбекистон чемпионати, олий лига баҳслари (октябрь), «Президент кубоги» (ноябрь) мусобақаларида қатнашишини режалаштирмоқда.

Ишонаман, Давроннинг келажаги бор. Унинг катта ғалабалари хали олдинда. Аммо аксарият мусобақаларнинг сафар харажатлари (йўл, овқатланиш, меҳмонхона) ўз ҳисобимиздан бўлгани биздек оддийгина қишлоқ оиласини қийнаб қўймоқда. Буёғи Малдивдаги мусобақага оз қолди. Қанийди, вилоят ва туман ҳокимлиги эътибори остида ўғлимга ҳомий ташкилотлар бириктирилса ва бизга сафар харажатларида кўмак беришса...

Эштемир НУРМАТОВ

Қўқдала тумани





Самарқанд вилояти


Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгашига шу йилнинг ўтган чорагида 187 та мурожаат келиб тушган. Улардаги арзларнинг аксар қисмини маиший муаммолар ташкил этади.

– Фуқаролар мурожаатининг қарийб 70 фоизи касаба уюшма аъзолигини қабул қилмаган ташкилотлар ва фуқаролар ҳиссасига тўғри келяпти, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши Мурожаатлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси Зоҳид Янгибоев. – Шундай бўлса-да, кўтарилган ҳар бир масалани ҳал этишга ҳаракат қилаямиз.

Бирлашмага арз билан келган нуроний отахон билан гаплашдик. Олис тумандан уни шу ерга йўллашибди.

– Саломатлик юзасидан келдим, болам, – дейди отахон. – Шу ерда сиҳатгоҳга йўланма берилишини айтишди. Умид қилиб келаявердим.

Гарчанд, касаба уюшмаларида йўлланмаларни тақсимлаш тартибида ўзига хос жиҳатлар талаб этилса-да, нуронийнинг раъйини қайтаришмади. Отахон бирлашма



раҳбари ҳузуридан мамнун чиқиб келди.

– Бир ой эшик санадим, – дейди у. – Кексаларга масъул бўлган идорадагилар навбат кутасиз, дейишди. Кутдим ҳам. Аммо бўлмади. Чўзилди. Таваккал қилиб касаба уюшмаларига келгандим. Йўлланмани бир зумда ҳал қилди. Йўлини топишди, набирам ишлайдиган ташкилот касаба уюшмаларига аъзо экан. Унинг ўрнига дам олиб, саломатлигимни тикласам бўлар экан. Мушкулимни осон қилган касаба уюшмаларига раҳмат.

Жамоат ташкилоти эшигидан мамнун чиқаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Меҳнат муносабатларидаги тарангликка ечим топганлар ҳам, ҳуқуқий қўмакдан қониққанлар ҳам оз эмас.

Лекин ана шундай имкониятлардан баҳра олмаётганлар ҳам бор. Айни чоғда вилоятдаги 130 дан зиёд турли мақомда иш юритаётган ташкилотларда ходимларнинг вакиллик органлари мавжуд эмас. Ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари иш берувчиларга қизиқмасми? Бу жамоаларда меҳнат муносабатлари жамоатчилик назоратига қачон олинади, деган саволга кимдан жавоб олишни ҳам билмайсан. Касаба уюшмаларининг ҳамкорлик қақирувига беписанд қарашаётганлар, ҳақли талабларини иддао билан қабул қилаётганлар ҳам бор. Айниқса, энг оғир юмушларни уддалаб келаликан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ўзини «тушунмаган»га олиш анъанаси ҳали-ҳануз давом этмоқда.

Ҳалигача агросаноат тизимида

ходимлар манфаати устуворлигини таъминлаш қийин кечаяпти. Янги тузилма мақомини олган аксар кластер ва фермер ҳўжаликлари мутасаддилари «қулоқларига пахта» тикиб олишгандек гўё.

– Йил бошидан буён тизимдаги 7 та ташкилотни касаба уюшмалари сафига жалб этдик, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Валиев. – Уларда бошланғич ташкилотлар тузилиб, меҳнат муҳофазаси жамоат назоратига олинди.

Касаба уюшмалари ишчи-ходимлар манфаати йўлида музокаралар олиб боришдан чарчашмайди. Тойлоқ туманидаги 235 кишини иш билан таъминлаб келатган «Siyob shavkat orzu» кенг тармоқли фермер ҳўжалиги билан

Долзарб мавзу

музокаралар узоқ давом этди. Тегишли даражада хат, тушунча берилди. Фермер ҳўжалиги раҳбари ходимларга шароит яратишда касаба уюшмаларига рўйхушлик бергандек бўлди. Аммо кейинчалик ишқални шу ҳўжалик кадрлар бўлими бошлиғи Шерзод Мавлонов чиқара бошлади. Аччиқ ичакдек чўзилган мунозарани ижобий ўзанга солиш қийин кечаяпти. «Иссиқ жон иситмасиз бўлмас» деганларидек, ушбу ташкилотларда ишловчиларнинг ҳолидан ким хабар олади? Улар қонунларда белгилаб қўйилган имтиёزلарга муносиб эмасми? Нега ишловчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилмаймиз?

– Ривожланган фуқаролик жамиятида яшаямиз. Меҳнат кишининг ҳуқуқлари иш берувчилар томонидан ҳурмат қилиниши шарт, – дейди ҳуқуқшунос Абдунаби Турсунов. – Бугун меҳнатга ҳақ тўлаяпман-ку, дея кеккайиш кетмайди. Ўзини ҳурмат қилган иш берувчи меҳнат муносабатларида мутаносиблиқни таъминлаши керак.

Корхона ривожини, истиқболи учун қайғураётган ходим меҳнати қачон қадр топади? Бу масалада лоқайдлик қилиш керакмикин?

Ақсар касаба уюшма аъзоси бўлмаган ташкилотларда шу саволлар жавоби очиқ қолмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти



Бошланғич ташкилотларда

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

2013 йилдан буён мактаб касаба уюшма қўмитасига етакчилик қиламан. Ўтган давр мобайнида айни соҳадаги ишлар сифати ва кўлами жиҳатидан кенгайиб борганини юракдан ҳис этдим. Кейинги пайтларда эса бу борадаги ишлар янада ривожланди. Масалан, яқинда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Шахрисабз шаҳар кенгаши томонидан қўмитамизга бир қанча услубий қўлланма ва плакатлар тақдим этилди. Кенгаш раиси Умиджон Ортиқов бизни соҳадаги энг сўнгги янгиликлар билан таништириб, фойдали тавсиялар берди.

Халқимиз «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам» деган гапни бежиз айтмаган. Биз шуни назарда тутиб, ходимларимизнинг мароқли маданий ҳордиқ чиқаришлари чораларини кўраямиз. Жумладан, яқинда педагогларимиз Бухорога саёҳатга бориб келишди. Шунингдек, уларни «Уйланиш» спектаклини томоша қилишга таклиф этдик. Улар бу қувноқ саҳна асаридан бир олам завқ олишди.

Мактабимизнинг капитал таъмирдан чиқарилгани ҳам ўқитувчиларимизни ҳар қачонгидан самаралироқ ишлашга, ўқувчиларимизни эса пухта билим олишга ундамоқда. Бундай интилишларнинг самараси эса чакки бўлмаётир. Чунончи, иқтидорли ёшлардан Жасмина Аҳмаджонова «Менинг Президентим» иншолар танловининг шаҳар ва вилоят босқичлари ғолибига айланди. Асила Хайруллаева эса биология фани бўйича халқаро олимпиаданинг саралаш босқичида қатнашди.

Булардан ташқари, касаба уюшмаларининг шаҳар кенгаши томонидан мактабимизга спорт жиҳозлари совға қилинди. Шу боис турли оммавий мусобақаларда яхши натижаларга эриша бошладик.

Кези келганда, жамоамиз ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтай. Мувааллимларимиздан бирига ўғли беморлиги учун, иккинчисига сурункали касалликдан азият чекаётгани, бошқасига коронавирусга чалингани сабабли моддий ёрдам ажратдик. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фаррош аёлнинг фарзандига эса ўқув қуроллари совға қилдик.

Мактабимизда шоғирдлари яхши ютуқларга эришган устозларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва эсдалик совғалари билан рағбатлантириб бориш ҳам яхши анъанага айланган.

Шоира ИСАЕВА,
Шахрисабз шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси



Бухоро вилояти

Саёҳат

Маънавий завқ улашиб

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши жорий йилда 5200 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳатлар ташкил этади. Айни чоққа қадар «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури доирасида 2585 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари учун турли шаҳарларга зиёрат, саёҳат ва экотуристтик маршрутлар уюштириш орқали белгиланган режанинг 49,7 фоизи бажарилди.

Масалан, Миллий Гвардия Бухоро вилояти кўриқлаш бошқармаси, солиқ, мажбурий ижро бюроси ҳудудий бошқармалари, Бухоро «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун болалар интернет уйи бирлашган касаба уюшма кўмиталари ташаббуси билан «Ётти пир» зиёратига 300 нафар, Бухоро шахрининг тарихий ва диққатга сазовор жойларига 200 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳатлар уюштирилди. Яна бир қатор муассасалар касаба уюшма фаоллари ва уларнинг оила аъзоларидан 650 нафари «Ётти пир» зиёратига юборилди.

Саёҳат мавсуми саналган апрель-май ойларида ички туризм кўрсаткичи янада ортиди. Биргина вилоят ички ишлар тизимида фаолият олиб бораётган олти юз нафарга яқин ходимнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазо-

вор жойларига саёҳатлари ташкиллаштирилди.

Экотуризм йўналишида банк муассасалари мавсум босида ноқ фаолиқни қўлга олган. Бир қатор банк филиаллари ходимлари учун Шахрисабз ҳамда Сармишсой туристик зоналарида дам олишлари учун шароитлар яратилди.

Бундан ташқари, вилоят миқёсида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан ташкилот ва муассасаларнинг 160 нафар ходими Хива шаҳрига ҳамда 25 нафари Тошкент шаҳрига саёҳат қилди.

Йил давомида жамоа шартномаси ва тармоқ келишувларига асосан яна 3 минг нафарга яқин ишчи-ходим учун саёҳатлар уюштирилади.

Туроб қулиев,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари



Андижон вилояти



ШИФОКОРЛАР ЗИЁРАТДА

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси 141 нафар ўрта ва кичик тиббий ходимларини Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларига беш кунлик саёҳатини ташкил этди.

– Саёҳат – танга роҳат, деганларича бор экан, – дейди Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 7-оилавий поликлиниканинг катта ҳамшираси Нигорахон Ашуралиева. – Юртимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, чарқоқларимиз ёзилди. Бир дунё таассуротлар билан қайтдик.

Анваржон АРЗИЕВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси



Фарғона вилояти

Риштон туманининг Чўнғара қишлоғи Қирғизистон билан чегарадош анклав ҳудудда жойлашган. Бу ердаги мактабгача таълим ташкилоти анча эскириб, давр талабларига жавоб бермай қолган эди. Шу боис у 2 миллиард 641 миллион сўмлик маблағ эвазига 90 ўринли қилиб, қайта барпо этилди.



Чўнғарадаги туб ўзгаришлар

Яқинда замонавий кўринишга эга бўлган, кичкинтойларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган ушбу муассасанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, вилоят секторлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда қишлоқ аҳли қатнашди. Сўзга чиққанлар тубдан янгиланган маскан болажонларни юртимиз тараққиётига хизмат қиладиган йигит-қизлар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдиришди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, бу йил

вилоят маҳаллий бюджетидан Чўнғарада яшовчи аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, Сўх дарёси қирғоқларини дамба билан муҳофазалашга 2 миллиард сўм, ҳудуддаги шифокорлар уйи, оилавий шифокорлар пункти, профилактика инспекторларининг хизмат уйи қурилиши ва МФЙ биносини мукамал таъмирлашга 2,1 миллиард сўм ажратилган.

Чўнғарага ташриф давомида меҳмонлар дамба қурилишини лойиҳалаштириш жараёنлари билан танишдилар. Шунингдек, «Йигитпириш» зиёратгоҳида бўлиб, фуқаролар билан юзма-юз мулоқот ўтказдилар.

Ўз муҳбиримиз



Навоий вилояти

ИШТИЁҚ ВА ИРОДА БАҲСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш унитар корхонаси ташаббуси билан «Биз спортчи оиламиз» шiori остида ташкил этилган оилавий спорт мусобақасининг Навоий вилояти босқичи ўз якунига етди.

Мазкур мусобақада оилавий жамоалар етти метр масофадан дарвозага тўп киритиш, қоп кийган ҳолда сакраш, ўмбалоқ ошиш, тўсиқлар орасидан тўп билан югуриш, эстафета таёқчаларини узатиш каби шартларда ўзаро беллашдилар.

Қизгин ва мурасиз кечган спорт мусобақасида Навоий шаҳридаги 16-ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Шухрат Ғафоровлар оиласи ғолиб бўлди ва Наман шаҳрида ўтказиладиган республика босқичи йўлланмасини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Қизилтепа туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мақсуд Султонов ҳамда Навоий машинасозлик заводи ишчиси Ўлмас Луляевлар оиласига насиб этди.

– Бу каби оилавий спорт тадбирларини ташкил этаётган мутасаддиларга раҳмат, – дейди Шухрат Ғафоров. – Насиб қилса, мусобақанинг республика босқичида ҳам юқори натижаларни қўлга киритамиз.

Мусобақа якунида ғолибларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши томонидан махсус кубок ҳамда диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.



Нафиса ҲАБИБУЛЛАЕВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши Маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

Масаланинг ечими иш берувчига боғлиқ



МАСАЛА ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПАДИ?
Азиз тизими ҳодимлари чанг-ғубор қолган бир неча йиллик ариё қўжжатарли билан ишлайди. Табиийки, бу ҳодимлар саволига жавоб бериш керак. Бизга маълум бўлишича, уларнинг саволига жавоб бериш мақсадида чангдан муҳофаза қилувчи воситалар, махсус кийимлар ва сут-қатиқ маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш учун бюджет ҳисобидан маблаг ажратилиши керак. Шунингдек, маълум масала нега қолдиришга ўқинишни топмапти?

– Маълумки, 2016 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган.

Мазкур қонуннинг 18-моддасида: «Меҳнат шaroитлари ноқулай ишларда банд бўлган ҳодимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-боши, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланади. Бундай ишларнинг рўйхати, уларни бериш нормалари, улар билан таъминлаш тартиби ва шартлари жамоа шартномалари ҳамда келишувларида белгиланади, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ҳодимларнинг вакиллик органи билан келишувга қўра, қўнунчиликда белгиланган нормативларга мувофиқ белгиланади», деб кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, «Ўзархив» агентлиги ўз тизимидаги ҳодимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун бундай ишларнинг рўйхати, уларни бериш нормалари, улар билан таъминлаш тартиби ва шартлари жамоа шартномалари ҳамда келишувларида белгиланиши, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ҳодимларнинг вакиллик органи билан келишувга қўра, қўнунчиликда белгиланган нормативларга мувофиқ белгиланиши лозим бўлади.

Шунингдек, қонуннинг 16-моддасига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармаларни ташкил этиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси иштирокида белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Фуқаро Дилдора Иброҳимова, Сузга мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга бефарқ эмаслигингиз ҳамда ташаббускорлигингиз учун миннатдорлик билдираман.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

М.Ходжаева



Беруний туманида фаолият юритаётган «Fozilbek Kamalovich» фермер хўжалиги 20 гектар пахта майдонига томчилатиб сўғориш технологиясини жорий қилиш ортидан жиддий йўқотишлару муаммоларга учради. Қарийб ярим миллиард сўмлик давлат субсидияси ҳамда имтиёзли кредитлар ҳисобига харид қилинган лойиҳа бир ойга бормасдан барбод бўлди. Фермер эса пахта етказиб бериш бўйича кластер билан тузилган шартномасини бажара олмай, инқирозга юз тутди.

ЕМАГАН СОМСАГА БЕРИЛАЁТГАН ПУЛ

ёхуд берунийлик фермернинг додини ким эшитади?

«Fozilbek Kamalovich» фермер хўжалиги раҳбари Махмуд Сапаровнинг таъкидлашича, яроқлилик муддати 5 йилга дея мўлжалланган томчилатиб сўғориш технологиясини фаолияти бир ойга ҳам бормади. Фермер ҳозирда ноқ емаган сомсага пул тўламоқда. Яъни банк барбод бўлган лойиҳа учун олинган кредитни ундирмоқда. Устига устак, кластер олдидаги мажбурияти ҳам бор, ўтган йили ерида сув бўлмагандан кейин ҳосил ҳам нобуд бўлди, бунинг оқибатида қарийб 120 миллион сўмлик зарар кўрди.

ТЕЖАМКОР УСКУНАНИНГ ҚУРИЛИШИ НЕГА ТЕЖАЛДИ?

Томчилатиб сўғориш технологиясини жорий қилиш бўйича туман ҳокимлиги мутасаддиларидан топшириқ бўлгач (топшириқ туман ҳокимлигининг келганини фермер М.Сапаровнинг ўзи тасдиқлади), «Fozilbek Kamalovich» фермер хўжалиги ҳам бошқа фермерлар қатори аввал амалиётда синаб кўрилмаган тизимни қўллашга рози бўлди. Қолаверса, янги технологияни жорий қилишга бош қотириб ўтирмайди, чунки туман ҳокимиятидагилар бу ишни ҳам «пишириб» қўйган экан: пудратчи – «Beruniy-Plastik-01» масъулияти чекланган жамияти барчасини ўзи ҳал қилиб берадиган бўлди ва ўрталарида 2021 йил 1 апрель кuni шартнома тузилди. Лойиҳанинг жами қиймати 499 миллион 950 минг сўмга ёки 47 минг АҚШ долларига баҳоланди. Бир ой ичида 347 миллион сўм пудратчининг ҳисоборақамига ўтказилди. Шартномага қўра, пудратчи томчилатиб сўғориш технологиясини 90 кун ичида тўлиқ ўрнатиб бериши керак эди.

Фермер аввалида туман ҳокимлиги тавсия қилганидан кейин пудратчидан гумон қилмайди. Лекин июнь

ойи охирида тўлиқ тугалланиши шарт бўлган иш салкам бир ой, аниқроғи, 27 июлга қадар чўзилиб кетганидан сўнг тинчи бузилади. 20 гектар ер майдонининг фақат 10 гектарига томизгичли қувурлар тортилиб, қолган 10 гектар қисми эса қиста-қиста билан базўр август бошларида бажарилади.

Аммо тизим барбод бўлгани учун буюртмачи ва пудратчи ўртасида ишнинг бажарилгани тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат имзоланмайди.

ЛОЙ ТИҚИЛГАН ҚУВУР КЎЗЛАРИ

Фермернинг айтишича, пудратчи ўз қурилмаларининг яроқлилик сертификатларини тақдим этмаган, ҳо-вуздаги сувни эса тиндирмасдан далага ҳайдаган. Оқибатда томизгичларнинг кўзларига лой тиқилиб қолган. Лойиҳа бўйича ўрнатилиши керак бўлган ускуналардан 74 миллион 635 минг сўмлик камомад аниқланди. Масалан, лойиҳа ҳужжатларида 20 гектар майдонга 240 километр томизгичли лента тортилиши зарур бўлса, амалда 134 километр тортилган, ҳолос, 106 километр лента йўқ. Бунинг нархи эса 47 миллион 700 минг сўмни ташкил қилади. 800 метрлик қувур ётқизишлиши керак бўлса, шунинг атиги 520 метригина бор ва ҳо-казо. Баъзи қурилмалар керагидан ортқ олиб келинган, бундан кўриниб турибдики, тизим лойиҳадагидек қурилмаган.

Сентябрь ойининг ўрталарида тизимнинг қандай ишлаётганини текшириш учун келган мутасаддилар аҳволни ўз кўзлари билан кўради. 10 гектарга тортилган томизгичли қувурларнинг ўзи ҳам нотўғри қурилган – бир ариқда

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 23 апрелдаги «Жавобини кутаётган саволлар» рўкнида фуқаро Лола Ўролованинг «Имтиёз бизга ҳам тааллуқлими?» номли саволи мутасаддилар эътиборига ҳавола этилган эди. Мазкур саволга Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси қўйидагича муносабат билдирди:

ИМТИЁЗ ЎРОЛОВАГА ТААЛЛУҚЛИ ЭМАС, ЧУНКИ...

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига асосан ногиронлик пенсиялари қонунчиликда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган фуқароларга, шунингдек, Чернобыль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида учинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган фуқароларга таъинланади. Қонуннинг 18-моддасига биноан, пенсия таъинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган (17-модда), умумий касаллик оқибатида биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик пенсиялари бор шартларга мутаносиб миқдорда таъинланади. Президентимизнинг 2022 йил 17 февралдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» фармонининг 1-бандига мувофиқ, 2022-йил 1 апрелдан бошлаб меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажига бўлимаган чордаги ногиронлик пенсиясининг энг кам

миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440 000 сўмдан 622 000 сўмгача оширилиши белгиланган.

Ушбу фармонга асосан иш стажига эга бўлмаган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлик нафақалари ва тўлиқсиз иш стажига бўлимаган таъинланган иккинчи гуруҳ ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори 622 000 сўмга етказилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат пенсияларини таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 163-бандига асосан 2011 йил 1 январдан кейин ногиронлигининг учинчи гуруҳи белгиланган шахсларга, шу жумладан, тақдирий тиббий кўриқдан ўтказилгандан сўнг ногиронлигининг учинчи гуруҳи белгиланган шахсларга ногиронлик пенсияси таъинланмаслиги ва тўланмаслиги белгиланган (Чернобыль ҳалокати оқибатида учинчи гуруҳ ногиронлигини олган шахслар бундан мустасно).

Президентимизнинг 2022 йил 29 апрелдаги «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг 2-бандига мувофиқ, 2022 йил 1 майдан бошлаб, ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажига тўлиқ бўлмаган чордаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори ойига 698 000 сўм деб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган «Ҳодимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жараҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш» қоидаларининг 42-бандига асосан белгиланган тартибда ҳодимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар



учун жавобгар деб эътироф этилган юридик шахс қайта ташкил этилган (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, чиқариш, ўзгартириш) тақдирда, зарарни тўлаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти учун унинг ҳуқуқий вориси жавоб беради. Зарарни тўлаш тўғрисидаги талаб ҳам унга берилади.

Фуқаро Лола Ўролова билан телефон орқали суҳбатлашилганда, учинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслиги, ногиронлик пенсияси таъинланмагани ва у меҳнатда жараҳатлангани сабабли айбдор ташкилотдан тоовон пули олиши аниқланди.

Фуқарога тоовон пули ҳозирда фаолият кўрсатиб келадиган «Инъичка» тажриба участкаси томонидан тўлаб келинаётгани сабабли тоовон пули миқдорини қайта кўриб чиқиш масаласида мазкур ташкилотга мурожаат қилиш мақсадаги мувофиқ.

Шунингдек, фуқаро 55 ёшга тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи мавжудлиги ҳақида у билан телефон орқали бўлиб ўтган суҳбат давомида тушунтириш берилган. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасига асосан фуқаро мазкур жавоб ҳафтидан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи органга ёки судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари 3.Турсунов

Оғриқ тишлар...

лион сўм зарар кўрмоқдаман, етказилган зарарни пудратчи – «Beruniy-Plastik-01» масъулияти чекланган жамиятидан ундириб беришни сўрайман» тарзидаги даввоси ҳам қондирилмади. Боиси, тақдим этилган ҳужжатлар жавобгар (Пудратчи «Beruniy-Plastik-01» масъулияти чекланган жамиятидан пулни ундириб бериш учун етарли эмас деб топилди.

Жавобгар ҳам судга 10 гектар майдонга фермер томонидан сув очиб юборилгани боис ўз вақтида сўғориш қурилмаларини қўра олмаганини, лекин кеч қолиб бўлса ҳам, ишни бажарганини вақт қилиб кўрсатди.

Шундай қилиб, фермер даввоси қаноатлантирилмади. Аммо унинг зарар кўргани, сув тежамкор сўғориш қурилмаларининг сифатсиз қурилгани оқибатида тизим умуман ишламаётгани аниқ. У энди додини кимга айтсин?



ЕСИМХОН ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»



СУДГА СУДРАЛГАН ДАВВО

Сув тежовчи технологияга ишониб, 18,4 тонна пахта ҳосилини кам бажарган фермер судга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Фермернинг «Мана, технология ишламаяпти, агар анъанавий тарзда ишлашни давом этганимда, пахта ҳосилидан камомад чиқмас эди, сув тежамкор тизимга ишониб, 120 мил



ЭЪЛОНЛАР

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли акциядорлар!
«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 27 июнь кuni, соат 10:00 дан бошлаб, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлис залда ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:
1. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг санъат комиссияси таркибининг тасдиқлаш.
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2021 йил якунлари бўйича Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2021 йил якунлари якунлари бўйича Кузатув кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини (ҳисоботини) тасдиқлаш.
5. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бошқарув раисининг 2021 йил якунлари бўйича ва банкининг ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда банкининг 2022 йилдаги устувор вазифаларини тасдиқлаш.
6. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, жумладан, бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
7. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг 2021 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимилаш ва 2020 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдаси ҳисобидан шакллантирилган стандарт активлар бўйича захира маблағини захира капитали таркибидан бухгалтерия балансининг тегишли актив ва пасив ҳисобварақларига ўтказилишини тасдиқлаш.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш якунлари бўйича мустиқил баҳоловчи ташкилот ҳулосасини тасдиқлаш.
9. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва/ёки қайта сайлаш.
10. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

11. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг янги тахрирдаги Устави ва «Кузатув кенгаши тўғрисида», «Бошқаруви тўғрисида»ги Низомларини тасдиқлаш.
12. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг «Ахборот сиёсати», «Аудиторлик ташкилотларини жалб қилиш сиёсати» ва «Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари, Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари фаолиятини баҳолаш қоидаларини тасдиқлаш.
13. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки бошқаруви фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини («КР»)ни 2022 йил учун тасдиқлаш.
14. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида (хўжайи хўжалик фаолияти билан боғлиқ) аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни келгусида Банк томонидан мустиқил амалга ошириши учун акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қўйилган даврда тузилиши мумкин бўлган (кутилаётган) битимларни аниқлаш ва маълумлаш.
«Микрокредитбанк» АТБ Кузатув кенгашининг 2022 йил 1 июнь кuni мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2022 йил 21 июнь кuni ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2022 йил 1 июнь кuni ҳолатига тузилади.
Акциядорларни рўйхатга олиш 2022 йил 27 июнь кuni соат 09:00 дан 09:50 гача давом этади.
Акциядорлар умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашди, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонунчиликда белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.
Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференцалоқа тарзида иштирок этувчи акциядорларга бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.
Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридagi манзилга ва қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкининг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.
Тел: 998 (71) 202-99-99 (1316, 1317)
Банк Кузатув кенгаши

Янгиёул туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Солижонов Лаизбек Алжон ўғли номига берилган 11-синфини тугаллаганини тўғрисидаги УМ №0629179-рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгиёул туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Аминбоева Юлдузхон Фохриддин қизи номига берилган УМ №627243-рақамли шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

